

## Имконияти чекланганлар Қуръон мусобақасида истеъдодларини намойиш этмоқдалар



16:00 / 13.12.2021 1200

Миср пойтахти Қоҳирада ўтказилаётган 28 Халқаро Қуръон мусобақасининг иккинчи кунда имконияти чекланганлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди

Мазкур йўналишдаги иштирокчилар тадбирнинг иккинчи кунда ўзларининг юксак истеъдодини намойиш этдилар.

Қуръон мусобақасида мусхафни ёдлаш билан чекланиб қолмай, иштирокчиларнинг оҳанг ва ритмига шунингдек, саҳифалар ва мисралар сонини айтиб бериш шартларини яхши ўзлаштирганига ҳам эътибор берилди.

28 Халқаро Қуръон мусобақаси Қоҳирада шанба куни бошланган бўлиб, 15 декабрь чоршанба кунигача давом этади.

Машҳур ҳофизи Қуръон Муҳаммад Сидиқ Миншавий номи билан аталган бу йилги тадбирда турли мамлакатлардан етмишдан ортиқ Қуръон ҳофизлари иштирок этмоқда.

Ҳакамлар ҳайъати Миср ва бошқа қатор мамлакатлардан келган ўн икки нафар Қуръон мутахассисларидан иборат.

Қуръон мусобақасида ғолиб бўлганлар 1,1 миллион Миср фунт стерлинги миқдоридаги пул мукофотларига эга бўладилар.

***Хуршид Маъруф тайёрлади***